

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati



1956-yil 4-yanvardan chiqqa boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

2022-yil 22-iyul / № 25 (4684)

Ўзбекистон мустақиллигининг 31 йиллиги олдидан

## ХАР КУН ЧИРОЙ ОЧГАН ВАТАН

Баҳорда дашту далалари улкан патнисларда сумалак майсасини тутадиган, жазиллаган саратонда тупроғи оёқни куйдирадиган Қашқадарё замини ер ости-усти бойликлари, ўзига хос иқлими ва табиий ресурслари билан Ўзбекистон тараққиётида муносиб ўрин тутди. Дарҳақиқат, она юртимизда Менделеев даврий jadвалидаги элементларнинг деярли барчаси mavjud. Чет эл инвестицияси ҳисобига mavjud ресурслардан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш эса мамлакат тараққиётини ривожлантиришга, аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қилади. Айниқса, сўнги йилларда мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида ҳам шу йўналишда кўламли ишлар амалга оширилаётгани диққатга sazovor.

Хусусан, Китоб туманидаги улкан бунёдкорлик ишлари воҳанинг кундан кунга янги қиёфа касб этаётганидан dalolat. Хитойнинг "Anhui Conch Cement" компанияси томонидан бир юз эллик миллион

томондан, маҳсулот таннархини арзонлаштирса, иккинчи томондан, чекка ҳудуд аҳолисининг бандлигини таъминлайди, — дейди Китоб тумани ҳокимининг инвестициялар ва ташқи savdo масалалари бўйи-



долларлик инвестиция киритилиб, мазкур ҳудудда йирик цемент заводи куриб фойдаланишга топширилди. Курилиш майдони 62 гектарни эгаллаган мухташам иншоот тоғолди ҳудуд — Мақрид кенгликларидан жойлашган. Корхона кунига 3,2 тонна, йилга 1,2 миллион тонна юқори сифатли цемент ишлаб чиқариш қувватига эга.

— Бу йирик sanoat korxonasinинг хомашёга бой ҳудудда барпо этилгани, бир

ча ўринбосари Бахтиёр Каримов. — Айни пайтда заводда тўрт юз нафар ёшларимиз иш билан банд. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ўттиз фоиздан зиёдроғи Қозғонистон, Қирғизистон, Афғонистон ва Хитойга экспорт қилинади.

Қашқадарёда бунёд этилган яна бир йирик мажмуа — "Uzbekistan GTL" синтетик суюқ ёқилғи заводи эса нафақат мамлакатимизда, балки МДҲ давлатларидаги энг



йирик инвестиция лойиҳаларидан бири саналади. Мажмуа дизел ва керосин маҳсулотлариға бўлган ички эҳтиёжнинг катта қисмини таъминлаш имконига эга. Президентимиз таъбири билан айтганда: "Мазкур завод Қашқадарё viloyatida нефт-газ кластерини яратиш, уни янги поғонага олиб чиқиш ҳамда юқори қўшимча қийматга эга бўлган, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда мустақам замин бўлиб хизмат қилади".

Мазкур завод томонидан Ўзбекистон давлат бюджетига ҳар йили ўртача ҳисобда икки триллион сўмдан зиёд солиқ тўланади. Энергия манбалари бозори тўдан ўсиб бораётган шароитда GTL ёқилғиларидан фойдаланиш ҳаво чиқиндиларини камайтиришнинг энг самарали тежамкор ва xavfsiz усули ҳисобланади. Бу ерда газдан суюқлик олиш асносида таркибда олтингургут миқдори ўта past бўлган, экологик тоза, юқори сифатли, халқаро стандартлар талабига javob берадиган синтетик ёқилғи ишлаб чиқарилади.

Ички имкониятлардан унумли фойдаланиб туманларда амалга оширилаётган бунёдкорлик, obodonlashtirish ишлари ҳам воҳанинг чироий очишига хизмат қилмоқда. Утган асрда куриб фойдаланишга топширилган аксарият корхона, ташкилотларнинг маъмурий бинолари замонавий шахарсозлик тамойиллари асосида қай-

тадан бунёд этилди. Янги шифохоналар, таълим муассасалари, бозорлар, мини-маркетлар, маиший savdo нуқталари қад рoстлади.

— Иجتимоий-сиёсий ислохотлар, қoлаверса, инсонпарварлик сиёсатининг мазмун-моҳиятини чуқуроқ ҳис қилиш учун кейинги беш йилда Қасби туманида амалга оширилган кўламли ишларни эслаш қиёфа, — дейди Қасаба уюшмалари ишчиси мувофиқлаштирувчи туман Кенгаши раиси Б.Исломов. — Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган юзлаб оилаларга замонавий уй-жойлар куриб берилди, таъмирталаб хонадонлар қайта таъмирланди, фарзандларининг суннат, никоҳ тўйлари ўтказилди. Тўшакка миқлини қолган беморларнинг яшаш шароитлари яхшиланиб, дори-дармонлар билан таъминланди. Қасби туман ҳокимлиги, марказий шифохонаси, халқ таълими бўлими ва бир қанча таълим муассасалари ҳамда мактаблар қайта реконструкция қилиниб, янги замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Айримлари буткул қайта курилди. Айниқса, "Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш маркази", туман мудофаа ишлари бўлими, ер ресурслари ва кадастр агентлиги, аёллар реабилитация маркази бинолари туманинг янги қиёфасини белгилаб берди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи Луқмон Бўрихоннинг "Имом Мотуридий" романи тақдими бўлиб ўтди.

## ИМОМ МОТУРИДИЙ ҲАҚИДА РОМАН

Тадбирида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Сирожиддин Саййид Президентимиз томонидан уюшма олдиға қўйган вазифалар халқимиз, адабиётимиз равнақиға, халқаро алоқаларнинг тобора мустақамланишиға хизмат қилаётганини қайд этиб, "Имом Мотуридий" романи айнан буюк аллома боболаримиз ҳақидаги асарларға, китобхонликка талаб кучайган бир пайтда юзаға келганини таъкидлади.

Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшуно олим Иброҳим Фафуровнинг фикрича, IX-X асрлар ислом таълимоти, фалсафаси равнақ топган давр эди. "Имом Мотуридий" асарида ислом аҳком-ақидаларини тушуниш, уларни ҳаётга олиб кириш йўлида беҳад курашлар авж олган тарихнинг қоронғи саҳифалари ёритилиб, ушбу китоб қимматли маълумотлар, янги таассуротлар олиш имконини беради.

Тадбирда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуриндаги Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Даврон Махсудов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари Хомиджон Ишматбеков, Ўзбекистон халқаро ислом академияси проктору Зоҳиджон Исломов, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори Жамолддин Каримов, "Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, педагогика фанлари доктори Қозғонбой Йўлдош ва бошқалар мазкур роман буюк аллома бобомиз Имом Мотуридийнинг ҳаёти, ғоялари, фалсафасини халқимизға содда, равон ва ҳаётий тарзда тушунтиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Ушбу роман жорий йилда "Адабиёт" нашриётида чоп этилган. Асарға Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид муҳаррирлик қилган, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Фафуров сўзбоши ёзган.

Ёзувчи Луқмон Бўрихон бизғача этиб келган тарихий маълумотларни миққоллаб йиғиб, урганиб, таҳлил ва талқин қилган, буюк илоҳиётшуно олимнинг бадиий қиёфасини ҳаётий, инсоний тарзда ёритишға муваффақ бўлган. Асарда имом Абу Мансур олим ва инсон сифатида тўлиқ намойн бўлган, уни яратган муҳит аниқ характери белгилари билан тавсифланган. Роман жонли ҳаёт лавҳаларига, ўз қиёфалари билан ажралиб турадиган персонажларға бой.

Этиборға молик жиҳати, Мотуридия ақидасидаги энг муҳим жиҳатлар ушбу китобда ўз ифодасини топган. Мутахассислар китоб бугунги тобора глобаллашиб бораётган даврнинг муҳим масалаларига ҳам javob беришини эътироф этишди. Асарни мутолаа қилган ҳар бир ўқувчи оғоҳлик, ҳушёрлик қалб уйғоқлиги билан боғлиқлигиға яна бир қарра ишонч ҳосил қилади. Айтиш жоизки, асар ғоят халқчил, равон тилда ёзилган.

— Ҳазрат Мотуридий ҳақидаги фикрларимни ушбу китобда баён этдим, — деди ёзувчи Луқмон Бўрихон. — Бугунги глобаллашув даврида миллий қиёфани сақлаб қолиш долзарб аҳамият касб этаётган бир пайтда Президентимиз буюк аждодларимиз ҳақидаги асарлар яратишға эҳтиёж катталиги хусусида гапирган эдилар. Ушбу асарни яратишда урганган манбаларим ва тасаввуримға таяндим, оддий одамларға тушунарлироқ, соддароқ тарзда яратдим.

Тадбирда сўзға чиққанлар романинг ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратдилар. Янги китоб ҳақида илиқ фикрлар билдирилди.

Назозат УСМОНОВА,  
Ўза муҳбири

## ИККИ МАФКУРА ОДАМЛАРИ

Абдушукур жүра, биз икки давр мафкурасини куриб катта бўлибмиз. Ҳисоблаб кўрсам, ўша давр улугнинг ёшидан ҳам ўтибмиз. Улғайдик ҳам. 6-синфдалигимизда ўқитувчи сени доскаға чиқарганда бир жүроғий номни хато айтгансан. Сен аёлочи бўлганинг учун Ҳасан домла қайтадан сўраган:

— Балки шу бошқачадир, ўйлаб кўр?  
Сен бўлсанг қисини-қимтинини боғи хато атаман тақорларгансан. Шунда домла "тўрт" баҳо қўймоқчи бўлганда фоз туриб:

— Маллим, ахир Ленин ҳам хато қилган-ку, биз ким бўлибмиз! — дегансан.  
Домла кўзлари қисилиб кулиб юборган, "Қачон хато қилган?" деб сўрамаган ҳам. Эртанги дарсни яхшилаб ўқиб кел, деб ўрнингга ўтқазган. Эсимда йўқ, ҳойнаҳой келгуси дарсда мавзунини яхши ўқиб келиб "5" олган дурсан. Аммо, барибир ўша "хато" нимада эканини сир тутгансан. Ҳарчанд қистасак ҳам айтмагансан. Шунда кўпчилик учун сирли болага айланган эдинг. Мана, мактабни тугатганимизға ҳам қирқ бир йил бўлибди. Табиийки, у саволни қайта сўрашға бирор фурсат бўлмади шу давр ичиде. Балки хаёлимиздан кўтарилиб ҳам кетгандир. Аммо, мактабни битирганимиздан ўн йил ҳам ўтмай Ленин сиёсатининг нақадар абсурд, балки разилона мақсадларға бурканганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб қўйди. Тарих бир-бир титилди. Болшевиизм раҳбарининг асл башараси ҳам очила борди. Сен айтгандай, Ленин оддий

хато қилган эмас, жаллод сиёсатини юргизиб Романовларни қавм-қариндоши болаларига-ча қатл қилиб, қонли қиличини кўтариб дунёда ленинизм деган қаттол тузум ўрнатди. Аввало бойларнинг мулкини тортиб олиб йўқсилларға берармиз, деган баҳонада коммунистик партиянинг қаддини тиклади. Зўравон ва ҳукмрон сиёсат эгасига айлантирди. Инқилоб қилди, биринчи ва иккинчи жаҳон урушини бошидан ўтказди. 1937-38, 1950-йилларда оммавий қатогон уюштирди. Ундан кейинги йилларда ҳам мафкуравий, сиёсий, иқтисодий зуғумни кучайтирса кучайтирдики, асло сусайтиргани йўқ. 80-йиллардаги "пахта иши"-чи? Минглаб ҳалол-у ноҳалол маҳаллий раҳбарлар, оддий пахтакорлар жазоға тортилганини кўзимиз билан куриб, қўлогимиз билан эшитиб турдик-ку. Оталаримиз, оналаримиз оху-фигони ҳали ҳам ўчиб кетгани йўқ.

Сен айтган "хато"лар шулардир, балки. Йўқ, дўстим, буларни "хато" дейиш камлик қилади. Зулим ва жаҳолатға ботирган қаттол тузум бу! Ленин деган "даҳо" барча халқларни коммунизм байроғини кўтариб чопган қизил партия остига бирлаштироқчи бўлди. Йиллар давомида бунга эришди ҳам.

Мактабимизнинг тарих ўқитувчиси кейинчалик директор бўлди. Юқори синф ўқувчиси Облоқул Пиримов бир кун директорни тўхтатиб, дабдурустдан сўроққа тутяпти.

## БОБУР ТОШБИТИКЛАРИ КАШШОФЛАРИ

Ўзбек адабиётшунослиғида бобуршунослик йўналишининг узил-кесил шаклланишиға йирик ҳисса қўшган Бобур номи халқаро жамоат фондининг таъсис этилганга ўттиз йил бўлди. Фондининг кўпқиррали фаолиятида Бобур халқаро экспедициясининг алоҳида ўрни бор. Экспедицияда бобуршунослик икки йўналишда ўрганилади: биринчиси, Бобур шахси ва асарлари ҳақидаги илмий тадқиқотлар; иккинчиси, Бобур изидан юриб топилган янгиликлар; яъни Бобур бўлган жойлар, жанг қилган, пойтахт қилган шаҳар, кезган, яшаган қишлоқларға сафар қилиниб, фаолиятининг янги-янги қирралари очилади, шахси ва фаолиятиға доир ашёвий далиллар, санъат асарлари йиғилади, кашфиётлар қилинади.

Чунончи, 2009 йил 5-21 октябрь кунлари Зокиржон Машрабов бошчилиғидаги илмий экспедиция аъзолари Тожикистон Республикаси Мастчоҳ райони Оббурдон кентига бўлиб, илмда салмоқли кашфиётлар қилишди. Бунгача ўзбек адабиёти, хусусан, бобуршунослиқда Бобурнинг биттагина тошбитиги маълум эди, у ҳам илмий муомалаға жалб этилмаганди. Оббурдон кенти қишлоқларидан топилган бешта тошбитик бобуршунослик илмида янги саҳифа очди. Яъни, Бобурнинг ўз қўли билан ёзган тошбитиклари бобуршуносликнинг қуйидаги қирраларини кашф этди:

— Бобур ва Шайбонийхон муносабатларида Бобурнинг Шайбонийхонга янгича кескин баҳоси;  
— Амр Темуру ва Бобур тошбитикларининг узвий алоқадорлиги;  
— Бобурнинг форс адабиёти намояндалари — Ҳофиз ва Саъдий Шерозийларға ижодий муносабати;

— Бобур тошбитиги ва "Бобурнома"да келтирилган тарихий санадаги жиҳдий фарқ;  
— Бобур тошбитиклари ва девони орасидаги алоқадорлик;  
— Бобурнинг Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома"сидан яхши хабардорлиги каби масалалар шулар жумласидандир.

Зокиржон Машрабов ва Ваҳоб Раҳмоновнинг "Тил ва адабиёт таълими" журналада эълон қилинган (2018) Бобур тошбитиклари ҳақидаги мақоласида ёзилишича, экспедиция аъзолари Оббурдон қишлоқларини кезиб, янги маълумотлар йиғиб юрганида, мулла Жўракул деган киши уларни Шамтиқ қишлоғидаги "Дуруст" қабристонига бошлаб боради ва бу ерда Бобур дастхати туширилган тошбитик борлигини айтади. Экспедиция аъзолари мазор оралаб юрадилар. В.Раҳмонов 3.Машрабовға киши белгича баландликдаги тарам-тарам ёрилган қора тошдаги майда арабча ёзувларни ўқиб беради:

**Кофиро, мардум шикоро, як замон оҳистатар, К-оҳи бечораро тоби тири туркон тоб нест.**  
**Ҳараруху Бобур 907 ҳижрий.**  
**Қатабаи миром Бобурхон.**  
**Халадалоҳу Мулкаҳу ва Султанаҳу.**  
Байт мазмуни:  
**Эй кофир, эй одам овчиси, бир лаҳза шошма, Шўрлик оҳи турк ўқиға бардшо беролмайди.**  
**Мен Бобур ёздим ҳижрий 907.**  
**Амирим Бобурхоннинг битиклари.**  
**Аллоҳ унинг мамлакати ва подшоҳлигини абадий қилсин.**

Мулла Жўракул бободан Бобурнинг машҳур Жамшид ҳақидаги шеъри ёзилган тошбитик ҳақида сўраганларида, у киши айтганики, 1952 йилда олим Аҳор Мухторов акаси Мирҳайдар билан икки отда келиб, тарихий қиммати баланд бўлган тошбитикларни икки хўржинга жойлаб пойтахтға олиб кетишган...

Экспедиция аъзолари Душанбе шаҳридаги Тожикистон халқлари қадимий санъати (археология) музейидан "Бобурнома"да қайд этилган ўша машҳур тошни кўрдилар, тасвириға туширдилар ва ватанға қайтиб уни махсус ўргандилар.

"Бобурнома"нинг "Вақоеий санаи сабаъ ва тисъа миа" — "тўққиз юз еттинчи йил воқеалари" (1501-1502) сарлавҳаси остидаги шу бўлимда шундай ёзилган:

**"Мастчонинг қуйиғи кенти Оббурдондур. Бу, Оббурдондин қуйиғи бир чашма тубштур... Ушбу чашма бошида, чашма ёқасидаги тошида қазиб, бу уч байтни сабт эттим:**  
**Шунидам, ки Жамшеди фаррухширшт, Ба сарчашмае бар санге навишт:**  
**"Бар ин чашма чун мо бeсe дам заданд, Бирафтанд то чашм бар ҳам заданд**  
**Гиррифтем олам бо мардиву зўр,**  
**Ва лекин набурдем бо худ ба гўр".**

Матннинг В.Раҳмонов табдилидаги маъносини:

**Эшитганим борки, Жамшиддек номдор Бошбулоқ тошиға ёздирди ёдгор:**  
**"Бу чашма бошиға кўллар етдилар,**  
**Кўз юмиб-очгунча йитиб кетдилар.**  
**Мардлик, зўрлик билан дунёни олдиқ,**  
**Лекин қабристонға қуруқ йўл солдиқ".**



Абдумажид АЗИМ



ЎЗБЕКЛАРИМ

Қарликдирсан, ўғуздырсан ёхуд дўрман, оға-ини, бир отанинг боласисан.

Тарихларда боболаринг келди ғолиб, от чопдилар Оймақондан Эдил сари.

Томирингда Жалолоддин, Темур қони, аждодларинг Ҳазар, Бойкўл сувин ичган.

Манғит, қилчоқ, кўнғиротим, айла кенглик, тингла бир зум соқов ўтмиш сукутини.

Зинҳор дема, ўтган бари ўтди- кетди, сен миллатинг эртасини кўр, бугунда.

Залолату иллатларга ботганингда, ўғил бўлиб, жигар-бағрим ўртанмасми?

Бухороми, Фарғонами ёхуд Сурхон, гапирари биров боғдан, биров тоғдан.

Ўжар феълинг панд берди-ку неча даъфа, қувонч-ғамда бирга кулиб, йиғла, ўзбек.

Ўққир бирор ичқуярим сендан бўлак, сени кўрдим, кўзим очиб бу жаҳонда.

УЯТ

Отам ҳузурда жим турар эдим, Журъат этолмасдим бир гап қотишга.

Энди у кунларнинг қайтмоғи дуввор, Отам аллақачон ўтган оламдан.

ЁНИБ ҲУҶАН БИР ЧАҚМОҚҚА УМР ҲУҶЛАР

ТОШ ОДАМ

Олам чўккан зулмат қаърига, бошим ботар тошдай болишга.

Нима дейман, совуқ бу тошга, ёлворишим унга қилмас қор.

Тўшагим тош, ёпинчиғим тош, зулумотда саргардон шуур.

Оёқ-қўллар боради совиб, туманларда юраман қарахт.

Улар отган бу тошлар гўё, юзларимни силайди гулдай.

Огири йўқ керакли тошни, — дея кимдир менга сўз қотмиш.

Қаранг, мана, айландим тошга, тош қосада оби ёвғоним.

Тош қотади бўғзимда тилим, ўтмишимга тутарман мотам.

ЁЛҒИЗ БҮРИ

Бўлса ҳамки зим-зиё гирдинг, Олға қараб юрганинг яхши.

Кўй бўлгандан далада ёлғиз, Ёлғиз бури бўлганинг яхши.

Нокасларга чўкканингдан тиз, Тик турганча ўлганинг яхши.

ЁЗ ТУНЛАРИ

Саратоннинг илик кечаси, ой тикади осмонда кўтон.

Ўнда тушар болалик такрор орзуларда кўз очган маъво.

Қуни бўйи толиққан, ташна, нафасини ростлайди осмон.

Уфқларга туташган даштга, тўкилади оппоқ юлдузлар.

Қуршар мени сеҳрли баёт, унутаман ўзимни тамом.

Фазоларда жимирлаб турган, юлдузларни имлайман паства.

Келди жавзо — ёз, мана, ўт ташийман даладан.

Юр, дейди чўмиламиз, жураларим шумтака.

Укаларим ўр, қайсар, майли, дейман ноилож.

Эсдан чиқади мол-қол, қозикда кўзи, улоқ.

Болалик ҳардам хаёл, отар тинмай шаталоқ.

Болалик ўйинқароқ,— чарчаш, хориш қаёқда!

Телевизор. Кечқурун, Артегда пионерлар.

Овқатни ёб бўлмасдан уйқуга тортар тўшак.

Гўё биз катта киши, зўр ишларга чоғланган.

Юмар-юммас кўзимни, қизик тушлар кўраман.

Умр — сув, оқиб кетмиш, мен ҳайрон, лол қирғоқда.

АЁ КҮНГЛИМ

Бобом Абдуазим қарвон мусофир юртларга кетишда йўлда қароқчи-талончилар кўлига тушиб, туғишган укаси, бор мол-дунёсидан мосуво, кафангадо бўлиб, шундай деб нола қилган экан.

Сурхонюртда туя каби чўқди тоғлар, Қархатонда баста-баста қоринг қани?

Ёниб ўчган бир чақмоққа умр ўхшар, Дову дастак, эчки-улоқ, қоринг қани?

Жонингни ҳам берар эдинг ёру дўстга, Алп оғанлар, суячиқлар — зўринг қани?

Кетди даврон, кетди қарвон узоқларга, Қарвонидан адашган ул норинг қани?

Кўвғиндасан, ҳаловатли бир кунинг йўқ, Ўзинг қани, рўзинг қани, ғоринг қани?

Бир маҳаллар эдинг Жамшид ёки Ҳотам, Тахтинг қани, мартабаю оринг қани?

ҲАСАН ВА ҲУСАН

Томир-томиримнинг қаъри-қаъридан, Журъатли бир туйғу инеди қонга.

Шимолдан адашиб келса бир аёз, Уйлайман Кегейли далаларини.

Қисқаси, ўзбек ҳам, қорақалпоқ ҳам, Туркий шажарада ёнма-ён шоҳдин.

Энди мени сира қўймас тек, Дардларингга бериб қўйдим қўл.

Шамол ўтар оёғи яланг, Дарахтларнинг тебранар учи.

РУҲИМНИ КҲУЧИРДИМ ҚҲҚЛАРГА

Хазонларга қўшилди, ана, Энг охириг япроқ ҳам учиб.

Бирдан шамол бош олиб кетди, Боғлари йўқ ёқларга қараб.

Эрк берсам, Қуришсак... Ва боғлар солланса турфа ранг.

Не замон чеккайман фироғинг, Яқининг ёмонми, йироғинг...

Юрагимни синдирди, отди, Дунё ўз ишини бажарди.

Бизни ёр рашк ила ўлдирмас дедим, Бу шакл ағёрни қулдирмас дедим.

Руҳимни кўчирдим қўқларга, Бедиллар ҳолимга қулади.

Юрагимни синдирди, отди, Дунё ўз ишини бажарди.

Бизни ёр рашк ила ўлдирмас дедим, Бу шакл ағёрни қулдирмас дедим.

Холи ҳажрида эгилдим "нун" каби, Нуқта бирла бизни тўлдирмас дедим.

Дилором ЭРҒАШЕВА



ТИТРАГАЙДИР ИСМИДИН ДИР-ДИР БУ ЖОН

Гоҳи кўйида, шамолдек ўйнатар, Бизни бошқа йўлда елдирамс дедим.

Бўлмадим кўнгилини ёрдин бир замон, Бу жаҳонда Дилни бўлдирмас дедим.

Келиб гулюз чамандан гул узарди, Юзига термулиб кўзим қизарди.

Дегайлар: «Ёрни деб обод эмассан», Дедим: «Ҳар «Дил» деганда дил бузарди».

Кўзинг ҳажрида кўз намдир, Кўзинг бахтим, кўзинг ғамдир.

Билолмам ҳеч хаёлингни, Мудом мижгонларинг жамдир.

Дилором ром, кўзинг илҳом, Ҳаётим шом, юзинг шамдир.

Сен сўзу, тил мен. Сен кўзу, нил мен, Сен изу, бил, мен — Тупроғу гилмен.

Сен Бор-у, мен йўқ, Йўқ, сенга тенг йўқ, Бас, дема сен "Йўқ!"

Кўз мен-у, ёш—ёр, Кўзим тош ёр, Эй дили тош ёр, Боқ, мана, Дил — мен.



Буларгина эмас, Носир Мухаммад — шоир, носир, публицист, адабиётшунос олим, дунёнинг юрак уришини сергаклик ила кузатиб борувчи сиёсатчи, билимдон тарихчи...

— Дада, эшитдингизми, Насриддин ака... — Нима қилибди? — ногоҳ сергаклян-дим.

— Соат ўн бирда бу ёққа олиб келишар-кан... Келасизми?... — Нима?.. Кеча кечқурун гаплашув-дим... Соғиди...

— Сира ишонгим келмади. Йўлда ҳам у ҳақида ўйлаб бордим: "Шу замонада ҳам шаклдан ўлармикан одам? Ўзига бепарво бўлиб юрганмикан? Иши кўплиги бўлмади..."

— Саволларимга жавоб тополмай, уй-миз ҳовлисига яқинлашдим. Ҳаммаёқ машинаю одамларга тўлиб кетибди. Атрофда унинг ҳурмати анча баланд эди, дўстлари, мухлислари кўп эди...

— Э, — деб юбордим. Мухомада давом этди... — Э, воҳ... — Э, воҳ... — Э, воҳ...

Ўша кунни эсимда шундай қолган. У икки қарра қўшним эди: тўрт қаватли уйимизнинг иккинчи йўлагига ҳам, дала-ҳовлимизда ҳам.

— Тайёргарликни шу ерда бажарса бўлмайдимми? — дедим. — Машина бор, уни ўзингиз ҳайдайсиз... Тоза ҳавода ухлаб, мириқиб дам олгандан кейин, эрталаб шу ёқдан ишга бориш қулай эмасми?

— Ҳа, шундай қилса ҳам бўлади. Ўйлаб кўриш керак... — дедию у йўлда сарф бўладиган вақтига қизғандими, ишлар кўламининг масъулияти тош босдим, ҳар қалай, сахар чоғида омонат "дарвозача"сида кулф кўрдим.

— Насриддин ака реаниматсиядан чиқибдилар, — деди келиним маҳалладаги вазият ҳақида гапириб.

— Реаниматсиядан? — тонг қотдим. Ишонгим келмади. — У ерда нима қиларкан? — Билмасам...

— Шартта қўшнимнинг қўл телефони рақамларини тердим. Ўзининг ҳозир эмас, дадил, соғломдай, самимий овози келди: — Лаббай.

— Тинчликми? Жонлантириш бўлимида нима қилиб юрибсиз? — дедиму ҳазиллаш-гим келди. — Мабодо адашиб олиб бориш-мабдимми?

— Балки... — унинг қулгани эшитилди. Қулгисида ғубор йўқ эди. — Бир оз шамол-лабман.

— Ёзда шамоллаш ёқимсизроқ бўлади. Хай, ҳозир аҳвол қандай? — Ёмон эмас. Даволанишни давом эттириш зарур, шекилли.

— Ҳа, албатта, охирига етказинг, Насриддин. У ердан чиққач, таътил олиб, шу ёққа, боғингизга келинг, Тўйчивойга қимиз айтиб қўяман.

— Ҳа-я, қимиз... — Насриддиннинг ово-зида интиқлик сездим, бирор дарднинг асоратини туймадим. Эҳтимол, ўзини шун-дай тугишга урингандир. — Яхши эслатдингиз...

— Ёзда шамоллаш ёқимсизроқ бўлади. Хай, ҳозир аҳвол қандай? — Ёмон эмас. Даволанишни давом эттириш зарур, шекилли.

— Ҳа, албатта, охирига етказинг, Насриддин. У ердан чиққач, таътил олиб, шу ёққа, боғингизга келинг, Тўйчивойга қимиз айтиб қўяман.

— Ҳа-я, қимиз... — Насриддиннинг ово-зида интиқлик сездим, бирор дарднинг асоратини туймадим. Эҳтимол, ўзини шун-дай тугишга урингандир. — Яхши эслатдингиз...

МЕНИНГ ҚЎШНИМ

Кўнглим хотиржам тортиди. Кечки сайр чоғи, негадир, у кўз ўнгимда жонлана-верди. Чорак асрдан кўпроқ вақтдан буён қўшнимиз-а, жонланмасинми? Яхши кўш-ни. Яхши Одам! Бирор кимсанинг дилини оғритганини, бировга қаттиқ гапирганини кўрган, эшитган эмасман.

— Бир неча йил аввал дала-ҳовли — шир-катимизда етакчилик бобида тангроқ вазия-т юзага келди. Албатта, катта-кичик ҳар қандай жамоа тадбири ва одил бошқару-вчи эҳтиёж сезади. Ҳатто, оила бошлиғи нўноқ бўлса, оила пароканда бўлиши яхши маълум.

— Ўшанда қатор номзодларни ўзаро мухокамадан ўтказдик. Муносиблари бу ишни ўз елкасига олишни истамас, вақти йўқлигини рўқач қиларди. Шунда унга — Носир Мухаммадга кўнглимдан кечган фикрни айтдим:

— Ўзингиз-чи? Сизнинг номзодингизни таклиф этсам-чи? У ҳазиллашасизми, дегандай, менга кулимсираб қаради. Унинг нигоҳини ўзим-ча шундай тушундим: "Ўйлаб гапиряпсиз-ми?" ёки "Ўзимнинг ташвишларим қамми?"

— Ҳа, унинг ташвишлари ҳисобсиз. У — Республика Байналминал маркази раҳ-бари. Кўпмиллатли юртимиз учун жуда масъулиятли, ғоят кенг қўламли вази-фал! Олдин шунақа идора бор-йўқлиги у қадар билинмас, диққатни ҳам тортмас эди. У раҳбар бўлиб ўтгач, учрашувлар, фикр олишуву тантаналар, жо-зибали кечалар, ажойиб дастурлар ойнаи жаҳончи безаб турарди.

— Бу ерни гуллатиб, ажойиб масканга айлантирса бўлади, — деди у.

— Шундай қилиш керак, — дедим мен қувониб. — Йўқ деманг, ҳаммамиз бирга ҳаракат қиламиз.

— Йўқ, ҳозир эмас, ака, нафақага чиқ-сак, кейин ўйлаб кўраемиз.

— Э, — деб юбордим. Мухомада давом этди...

ЭССЕ





Куни кеча Бадий академиянинг Марказий кўргазмалар залида очилган "Бизнинг мерос. Ўзбекистон санъат усталари" деб номланган кўргазма таниқли рассом Николай Пак таваллудининг юз йиллигига бағишланди. Рассом кўплаб натюрморт ва бошқа жанрга доир композициялар яратган бўлса-да, асосан портрет жанрида маҳоратини тўлаллигича намойиш этган. Унинг ижодиди реалистик рангтаъсирнинг



классик услуби кенг қўламда ифодасини топган. Пакнинг мўйқаламда яратган портретлари марваридга чизилган дур донларига ўхшади. Жумладан, "Бувижимизга аталган гуллар", "Шоли даласида", "Шарқ

аёллари", "Мовийранг либосли қиз" каби асарлар қахрамонларининг руҳиятида но-зиклик ва нафислик мужассам.

Ижодкорнинг тақдири оддий кемади. Тақдир тақозоси билан олис ва чекка қишлоқлик корейс боласи Репин мактабининг талабаси ва давомчисига

## АТАЛГАН ГУЛЛАР

айланди. Унинг ҳар бир асарида ўзига хослик, шарқона манбалар таъсири яққол кўзга ташланиб турса-да, Европа рангтаъсирининг кўп асрлик маданияти таъсири ҳам сезилади. Рассом ўттиз йиллик педагогик фаолияти давомида Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистондаги юзлаб йигит-қизларни ижодий ҳаётга тайёрлади, уларга чизматасвир асосларини ўргатди, энг муҳими, бадий жараён фалсафаси ҳақида чуқур тушунчалар берди. Унинг ноёб асарлари кўплаб санъат ихлосмандлари томонидан муносиб баҳолалиб, шахсий коллекциялар ва давлат галереяларида сақланиб, намойиш этиб келинмоқда.



ний тадбирларда қатнашиб келишяпти, ўзбек санъатшунослари илмий алмашинув, малака ошириш дастурларида фаол иштирок этишмоқда.

\*\*\*

Ўзбекистон Бадий академиясида Озарбайжон Миллий санъат музейи директори, Озарбайжонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Чингиз Абдул Маждид ўгли Фарзалиевни Ўзбекистон Бадий академиясининг фахрий хори-



Озарбайжон тасвирий санъати ривожига мустаҳкам ўрнига эга бўлган Чингиз Фарзалиев Ўзбекистон Бадий академиясининг фахрий хорижий академиги бўлган маданияти, аънава ва қадриятлари уйғун халқларимиз ижодкор вақилларининг санъат соҳасидаги алоқалари янада ривожлантиришнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Ч.Фарзалиев 2010 йилдан буён Озарбайжон Миллий санъат музейига раҳбарлик қилмоқда. Озарбайжон тасвирий

санъатини ривожлантириш йўлида қилган хизматлари учун 2006 йилда "Озарбайжонда хизмат кўрсатган санъат арбоби" унвони, 2018 йилда Озарбайжон "Шон-шўҳрат" ордени билан тақдирланган. Шу билан бирга рассом Озарбайжон Бадий академиясининг профессори ҳамдир. Тасвирий санъат соҳасига оид "Натюрморт ҳақида ҳамма нарса", "Портрет ҳақида ҳамма нарса", "Манзара ҳақида ҳамма нарса", "Озарбайжоннинг рангтаъсир антологияси", "Озарбайжон давлат санъат музейи" каби эллиқдан ортиқ асарлар муаллифидир. Ч.Фарзалиев Ўзбекистон Бадий академиясининг Миллий рассомлик ва дизайн институти фахрий профессори ҳамдир. Соҳа бўйича халқаро миқёсда эътирофга сазовор бўлган Чингиз Абдул Маждид ўгли Фарзалиев самарали ижодий-илмий ҳамкорлиги учун 2021 йили Ўзбекистон Бадий академиясининг кумуш медали билан тақдирланган.

Сарвара ҚОСИМОВА

## ЁШЛАР ОВОЗИ



### СЎНГГИ ИЛТИМОС

Музтар нигоҳингдан айрилиқ ёғар, Алвидо — кўнглимда саргайган хатим. Уша боғ, уша тун, уша уриндик, Мен фақат юзингни эслай олмадим...

Куз сочар хазонлар — надоматларин, Бир ҳазин қўшиққа ракс тушар ҳар бор. Уша ишқ, уша дард, уша қарашлар, Хотирам уйини айламоқда тарк.

Сен севма, соғинчлар лаҳзалик бахтдир, Сен кетгин, еч дилдан ғам либосини. Сен қайтма илтимос, сўнги илтимос — Бажарма энг сўнги илтимосимми...

\*\*\*

Эсимда эди, ҳа, ҳамон эсимда: Боғларга қирарди оҳиста баҳор. Яшил дархалларнинг сокин бағрида Сочингни силаган шамоллар оқар.

Жилмайиб турарди кўкда офтоб ҳам, Чехрангни кўргандан хурсанд, бўлиб шод. Ғунча ифориини қизганмас эди, Сени учратгандан — бахтиёр ҳаёт.

Қисмат учар эди бошимдан рози, Қанотлари толмас қабулар мисол. Яшаш бор, яшаш бор, яшаш бор эди, Йўқ эди завол...

Дунё тақ тўхтади, чап бўлди бирдан Армонга кўнлик бахтнинг кўнгли туқ. Кейин нима бўлди... Кейин куз келди, Кейин-чи... Қолгани эсимда ҳам йўқ.

## ТУТИЛМАГАН ОЙ

Туркум

### МЕН

Шақлланиб бўлди айрилиқ, умид кўриб қарайди кўзга. Қорачиклар нур илнжиди, оқшомларнинг юзини тўсган.

Ҳаётимга бостириб қирар, йўл топмаган соғинчлар дайди — улар ғамни севишар дилдан, улар бахтни инкор қилмайдди. Ғусса, сенга ўтинчларим куп, «Бор бошқага, бор, бошқага бор». Кузаклар куз бўлиб чарчади, баҳорликни соғинди баҳор. Само йўқдир умид аталган ва сабрнинг қанотлари кенг. Тунларни кун қилолмайди, ўз СЕНини тополмаган МЕН...

### СЕН

Олислайди нигоҳлар секин, ва чайқалар дилда сукунат. Сен ўзингни унутдинг лекин, ғулз сенинг бор эди фақат. Мана энди дўсту ёрон мул, бири сохта, бири эса чин. Айрилиқдан қовуштириб қўл, сен ўзингни унутдинг лекин. Мана, энди куз билан қолгин, хазон билан, армон билан жим ва йўлинг давом эт ҳорғин, соғинганим, азиз, ҳеч кимим... Мен ўзимга қайтишим керак, умидларим бирма-бир синиб. Бебахтлигинг бўлсин муборақ, ўз МЕНини унутган СЕНим...

### ИШҚ

Қайта элтар исзис сўқмоқлар, қайси сўқмоқ йўлга айланар. Учмоқликдан умидин узиб, қанотларинг кўлга айланар. босиб турар осмоннинг юки, жисму жонинг фақат эзилган. ерда юрган жонотлар фақат — мушаррафдир лаҳза севгига.

Оний бахтдан симирасан жим, осмон ҳақда хаёл сураган. Турт томонга боқсан фақат, фақат, бахтсизликни қўрасан. Ва ўзидан аразлаган жон, ва ўзидан батамом кечган. соғинчларни соғиниб тинмай, тушларингда учганинг учган...

Тушларингда учганинг учган...

Раҳмат БОБОЖОН

## «ХИЁБОН ОҚШОМИ»ДА ШЕЪР ЖАРАНГИ



Куни кеча Адилбар хиёбони ижодкорлар билан гавжум бўлди. Унда ўрта авлод шоирлари гўзал табиат кўйида, дархалларнинг соясино, табиатнинг майин шаббадасида жамланишди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ўтка-

каби ижодкорлар айнан тадбир учун узоқ йўл босиб келишгани оқшомнинг шуқуқини янада оширди.

Кечада Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Сирожиддин Саййид иштирок этиб, миллий адабиётимизни ривожлантириш йўлидаги жараёнларга

тўхталди. Мана шундай адабий давраларни кенгайтириш ва кўпроқ ўтказиш янги мукамал асарларни яратишга, ёшларни адабиётга, ижодга бўлган меҳрини, қизиқишини ортишига хизмат қилиши лозим, дея таъкидлади. Шундан сўнг Сирожиддин Саййид ёш қаламкашлар Нилуфар Жабборова, Дилфуза Камолжоннова, Азамат Худойбергенов, Дадахон Муҳаммадиев, Сирожиддин Иброҳим, Равшан Ҳақмурод, Ситора Тожиддинова, Фурқат Алимардон, Дилмурод Акбаров ва Нозима Ҳабибуллоевага Ёзувчилар уюшмасининг аъзолик гувоҳномаларини топширди ва уларни қутлади. Ўз шеърларидан ўқиб берди.

— Ёзувчилар уюшмаси ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлашга ҳамisha алоҳида эътибор қаратади, — деди шоира Нозима Ҳабибуллоева. — Албатта, бугунги устоз ижодкорлар даврасида аъзолик гувоҳномамизни олганимиз мен учун катта бахт бўлди. Айтиш жоизки, ушбу лойиҳа биз ёшларга улкан мактаб вазифасини ўтайди.

Тадбирда ижодкорлар энг яхши шеърларини ўқиб беришди. Мушоира кечасида Абдураззоқ Обрўй, Дилором Эргашева, Гулжамол Асқарова, Мухтасар Тожимаматова, Шоира Шамс ва бошқалардан бетақдор мисралар тинланди. Шеърларнинг сеҳрли оҳанги жанг раңг сочди.

— Бугунги даврада юртимиздаги адабий ислохотларнинг яна бир намунасини куриб туришимиз, — деди Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Гулжамол Асқарова. — Ижодкор аҳлига мана шундай кечалар катта руҳ ва илҳом беради. Бу эса ўзбек шеърлигида устозларимиз сингари биз, шоирларга ҳам буюк асарлар яратишимизга замин яратади.

Ўтказилган кечада ўрта авлод шоирлари ёшларга ўзларининг чиқишлари орқали сабоқ бердилар. Уюшма аъзолари Зухриддин Исомиддинов, Баҳодир Карим, Қозоқбой Йўлдошев бугунги адабий жараёндаги изла-нишлар, ижод дунёсининг сирлари ҳақида сўз юритди. Санъаткорлар томонидан янграган куй-қўшиқлар эса шоирларга янада илҳом бахш этди.

Зулайхо АҲМАДЖОНОВА,  
журналист

## ЯНГИ НАШР

### БОЯГИ-БОЯГИ АБДУРАЗЗОҚ ОБРЎЙ



Пародиячи шоир Абдураззоқ Обрўйнинг "Бояги-бояги" номли янги китоби нашрдан чиқди. Китобхонларга ҳозиргача "Хўллам-тўллам", "Ади-бади", "Ҳиринг-ҳиринг", "Аёлнинг қулоғи", "Уч нуқта" сингари сатирик тўлламлари билан танилган шоирнинг навбатдаги китобига ҳам ҳазил шеърлар билан бирга янги ёзилган пародиялар киритилган. Кўйида "Бояги-бояги" тўлламига киритилган пародиялардан олинган намуналар эътиборингизга ҳавола этилмоқда.



### ҚАЕРДА НИМА ПИШГАН?!

Сирдарёда қовун пишди,  
Бахмасойда олмалар.  
Ўлмасбек САМАРҚАНДИЙ,  
"Ўзбек дастурхони".

Қурбон қилай сен учун мен  
Молу мулким, бор пулим.  
Чидайман-да ҳаммасига,  
Ўзингдирсан севгилим.

### ЎХШАШЛИК

Ҳаётда кимдир гуруч, ким курмакка ўхшайди,  
Кимларгадир умр ҳам бир зрмакка ўхшайди.  
Ойдин МАМАДАЛИЕВА, "Ўхшайди".

Ҳаётда кимдир кепак, ким элакка ўхшайди,  
Кимларгадир умр ҳам бир чўп-чакка ўхшайди.

Ҳаётда кимдир қалпоқ, ким нўноққа ўхшайди,  
Кимларгадир ҳаёти кенг чўнтакка ўхшайди.

Ҳаётда кимдир доно, ким тентакка ўхшайди,  
Кимлардир бу ҳаётда бир қўноққа ўхшайди.

Ҳаётда кимдир жуфту, кимдир тоққа ўхшайди,  
Кимларгадир умр ҳам бир ботқоққа ўхшайди.

Ҳаётда кимдир заранг, ким юмшоққа ўхшайди,  
Кимгадир ўзин умри қатқалоққа ўхшайди.

Ойдин ғазал ёзмаган, бу бармоққа ўхшайди,  
Уни фаҳмлаб қолган Абдураззоққа ўхшайди.

Камина томорқасида  
Картошка пишди, картошка!  
Томорқам Қўйлик пастида,  
Кетдик, юр қавлашга, Антошка.

Берди Раҳмат дачасида  
Узуми бор, шафтоли бор.  
Боғ йўқ шоир қанчасида,  
Бир ёйишга улар жа зор.

Олим акам Зухриддин  
Ўзи эккан қоқоқларни.  
Шоирим хўп, бир келгин,  
Тўлдириб ол товоқларни!

Султон Мурод устозимиз,  
Эккан эди қовун, бодринг,  
Пишди. Сахийдир ёзимиз,  
Ўлмас, келиб бир кўринг!

Абдураззоқ, хижолат-да,  
Шеър ёзолмас бу ҳолатга,  
Ўлмас дер, жон ҳолатда,  
Ёзиш менга, зўр одат-да!

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, журналист Гулчехра Умарованинг "Яхши-дир аччиқ ҳақиқат" китоби тақдироти бўлиб ўтди. Уюшма раиси Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар Ватанимизни янада рагнақ топтиришга



## САНЪАТГА БАҒИШЛАНГАН КИТОБ

хизмат қилаётганини таъкидлар экан, Адилбар ушбу китоби адабиётга берилаётган эътиборнинг амалдаги намунаси сифатида ёш авлод тарбиясида муҳим ўрин тутишини этироф этди. Уюшма аъзолари Аҳмадjon Мелибоев, Олимжон Ўсаров, Салим Ашур, Ўзбекистон Бадий академияси раиси, Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нур, журналистлар Нозима Воҳидова, Рашид Раупов ҳам ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

"Гулчехра кўп йиллар давомида қоғозга туширган фикрларини жамлаб, китоб ҳолига келтирибди, — дейди "Ҳахон адабиёти" журнали бош муҳаррири Аҳмадjon Мелибоев тўпلامга ёзган сўзбошида. — Уларнинг аксариятини қўлёзма ҳолида ўқиганман, у ер-бу ерига қалам теккизганим ҳам бор. Аммо бугун тўпلام ҳолида ўқиб, касбимизнинг фидойи вақилларидан бири узоқ йиллик ижод умрини беҳуда ўтказмаганига яна бир бор амин бўлдим".

Китобдан "Дидни бузишга ҳаққимиз борми?", "Биз билган ва билмаган ҳофиз", "Санъатшунос лоқайд бўлмаслиги керак", "Кино маънавиятга хизмат қилиши керак", "Эзуликнинг ойдин йўли", "Бахтга бурканган аёл" сингари санъат даргаларининг ҳаёт йўли ва ибрат мактаби ҳақидаги қатор мақолалар, лавҳа, эссе ва сўхбатлар ўрин олган. Сўзга чиққанлар бугунги кунда санъатни ёритадиган санъатшунос-журналистларнинг камлигини қайд этиб, бу борада Гулчехра Умарова ўз сўзи, ўрнига эғалигини айтишди.

Санъаткорлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар даврага ўзгача файз бағишлади. Тадбирда сўнггида Уюшма раиси Сирожиддин Саййид Гулчехра Умаровага уюшмага аъзолик гувоҳномасини топширди.



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилемиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
Электрон почта манзили: [uzas.gzt@mail.ru](mailto:uzas.gzt@mail.ru)



Муассис:  
ЎЗБЕКISTON  
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамкоримиз:



Бош муҳаррир

Салим АШУР

Тахририятга келган кўғезмалар таҳсил этилмайдди ва муаллифларга қайтарилмайдди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ  
Навбатчи муҳаррир: Хумоюн АКБАРОВ  
Сахифаловчи: Ниғора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томондан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.  
Адади - 940. Буюртма Г - 744.  
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.  
Нашр кўрсаткичи - 222.  
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.

Босмаҳона манзили:  
Буюк Турон кўчаси,  
41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00.  
Босишга топширилди - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ  
ЧИҚАДИ  
Сотувда нархи эркин.



ISSN 2301-614X

